



## СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТ ВА ДИСКУРС ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР БАЪЗИ ҚАЙДЛАР

*Турниёзов Неймат Қаюмович,*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори*

**Калим сўзлар:** синтагма, синтагматик муносабат, дискурс, виртуал, аниқловчи, аниқланмиш, дистрибуция, композиция, тенг боғланиш, тобе боғланиш, деривация, оператор, дериват.

Бугунги тилшуносликда тил бирликларининг нутққа кўчирилиши масаласининг устувор аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Зотан, Ф.де Соссюр томонидан илмий асослаб берилган «тил ва нутқ» дихотомиясининг икки мучаси билан боғлиқ масалаларни ўрганиш тадқиқотларимиз кун тартибига анча кечикиб қўйилди. Ҳатто Соссюрнинг ўзи ҳам илмий фаолияти давомида, асосан, тил системаси ва унинг муаммоли жиҳатларини ўрганиш билан шуғулланди. Тўғри, Соссюр тилшуносликнинг икки катта бўлимдан иборат эканлигини қайта-қайта такрорларди. Аниқроғи, олим бу хусусда талабаларга маъруза ўқиши пайтида куйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Да, господа, все ту же лингвистику. Только осмелюсь вам сказать, область, которой занимается лингвистика, весьма обширна. А именно, она состоит из двух частей: одна часть ближе к языку и представляет собой пассивный запас, другая же часть ближе к речи, и представляет собой активную силу...» [1, 206].

Айни пайтда шу нарса диққатга сазоворки, Соссюр биринчилардан бўлиб тил билан нутқни бир-бирига узвий боғлиқ ва шу билан бирга, қарама-қарши ходисалар эканлигини кўра билган. Албатта, тил ходисалари нисбатан виртуал воқеликни, нутқ ходисалари эса актуал воқеликни тақозо этади. Тилнинг актуаллик олиши нутқда содир бўлади ва бу жараёнда тил бирликлари муайян қоидалар асосида ва жиддий тартиб билан нутққа кўчирилади.

Ана шундай қоидалардан бирини тил бирликларининг синтагматик муносабатида кўрамиз. Мазкур тушунча ҳам Ф. де Соссюрнинг тадқиқотларида биринчи бўлиб илмий истеъмолга киритилган эди. Олим дастлаб *синтагма* терминини амалиётга татбиқ этди. У синтагма деганда тилнинг аниқловчи ва аниқланмиш қолипида келувчи камида икки бирлиги муносабатини тушунади: *contre tous* «ҳаммага қарши» *la vite humaine* «инсоний ҳаёт» *re-lire* «қайта ўқимок» *S'il fait beau temps, nous sortirons* «Ҳаво яхши бўлса, (саёҳатга) чиқамиз». [2, 155].

Ана шу синтагмалар доирасида вужудга келаётган тил бирликларининг ўзаро боғланиши синтагматик муносабатни ташкил этади. Бироқ, шуни ҳам айтиш лозимки, бугунги тилшуносликда *синтагматик муносабат* тушунчаси аксарият ҳолларда *синтагма* тушунчаси билан боғлаб ўрганилмаяпти. Бунинг асосий боиси, назаримизда, синтагматик муносабатнинг, асосан, нутқда шаклланиши билан боғлиқ деб ўйлаймиз. Аслида эса *синтагматик муносабат* тушунчаси *синтагма* терминининг замирида вужудга келган ҳодисани тақозо этади. Бироқ синтагматик муносабат синтагма тушунчасига қараганда кенг қамровлидир. Чунки фонемалар ўртасида ҳам синтагматик муносабат шаклланади, *синтагма* тушунчасининг эса фонематик сатҳ бирликларига дахли йўқ: к-и-т-о-б, о-л-м-а. Бу ўринда берилаётган сўзларда қўлланилаётган фонемалар синтагматик муносабат ташкил этаётгани кўрамиз.



Аммо айна пайтда синтагма шаклланаётгани йўқ, зотан, фонемалар ўртасида бутуннинг қисмлари билан ва аксинча, қисмларнинг бутун билан алоқаси кузатилмайди. Бундай алоқа эса синтагма мучалари учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган *contre tous* синтагмасини олайлик. Бунда *contre* (қарши) ва *tous* (хаммага) сўзларининг *contre tous* синтагмаси билан ҳар бири алоҳида муносабат ташкил этаётгани ва мазкур синтагма умумий шаклининг *contre* ва *tous* сўзларининг ҳар бири билан алоҳида боғланаётгани характерлидир. Албатта, бу сингари боғланиш синтагма мучаларига хос бўлиб, у синтагматик боғланишда аҳамият касб этмайди.

Синтагматик боғланиш фақат синтактик сатҳ бирликлари ўртасида эмас, балки тилнинг фонематик сатҳидан бошқа барча сатҳлари бирликлари ўртасида шаклланади [3, 68].

Морфематик сатҳ доирасида фонемаларнинг, сўз сатҳида морфемаларнинг, гап сатҳида сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви ана шундай боғланишни тақозо этади. Шу боис Ю. С. Степанов сатҳлар бирликлари ўртасида кузатиладиган дистрибутив муносабатни синтагматик муносабат деб атайди [4, 227]. Бироқ, бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, бирликларнинг сатҳлараро боғланишида синтагматик муносабат вужудга келмайди. Бунда поғонали муносабат содир бўлади. Чунки айна пайтда тил ёхуд нутқ бирликлари муносабати дистрибутив боғланишни тақозо этмайди, балки тилнинг ёхуд нутқнинг кичик бирлиги катта бирлик ичига кириши назарда тутилади.

Таъкидлаш лозимки, Ф. де Соссюр синтагмани тил ёки нутқ бирлиги эканлигини белгилашда иккиланади [1, 157]. Бизнингча ҳам, айна пайтда қатъий қарор чиқариш анча қийин кўринади, зотан, сўз бирикмаси, шунингдек, гап кабиларни дискурс материали таҳлили нутқ бирликлари эканлигини кўрсатади. Юқорида берилган Соссюр томонидан

келтирилган *S'il fait beau temps, nous sortirons* мураккаб синтактик қурилманинг ўзи ҳам фикримиз далили бўла олади. Шунинг учун бу ўринда синтагмани тил синтагмалари ва нутқ синтагмаларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Баъзи лингвистик манбаларда гап доирасида келувчи синтагмаларни «давлат ичидаги давлат» тарзида тавсифлайдилар [5, 52]. Бу фикрга қўшилиш мумкин. Чунки синтагма аниқловчи-аниқланмиш муносабатини тақозо этар экан, у ёпиқ структурани ташкил этади. Лекин синтагманинг базал структура ёхуд синтаксис молекуласи тарзида тавсифланиши, назаримизда, изоҳталабдир [5, 51]. Бунинг асосий боиси шундаки, баъзи синтагмаларни синтаксис молекуласи деб бўлмайди. Масалан, гап ёхуд мураккаб синтактик қурилмалар молекула мақомида эмас, балки тўлақонли синтактик бирликлар мақомида келадилар. Молекула мақомида эса ясама сўз қолипидаги синтагмаларни кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, Е.И.Шутованинг тадқиқот ишларида синтагма компонентларининг сўздан кичик бирлик билан ифодалана олмаслиги ҳақида ҳам фикр билдирилганини кўрамиз [5, 50]. Назаримизда, мазкур мулоҳаза ҳам изоҳталабдир. Агар синтагмани шу тарзда тушунадиган бўлсак, у ҳолда Ф. де Соссюр берган *re-lire* (қайта ўқимоқ) тарзидаги бирликларни синтагма деб билмаслигимиз керак. Бироқ ясама сўзларнинг синтагма мақомида эканлиги фанимизда аллақачон исботланган. Шу боис синтагманинг энг кичик компонентини морфема орқали белгилаймиз.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Е.И.Шутова *книги, тетради, карандаши; красный, зеленый и синий* каби тенг боғланишли сўз бирикмаларини ҳам кўп компонентли синтагмалар жумласига киритади [5, 50]. Бизнингча, бу ўринда сўз бирикмалари компонентлари ўртасида синтагматик муносабат шаклланаётгани



изоҳ талаб қилмайди. Бироқ айна пайтда сўзлар ўртасида аниқловчи-аниқланмиш муносабати кузатилмаганлиги сабабли уларни синтагма дея олмаймиз.

Бу ўринда компонентлари ўртасида ички аниқловчи-аниқланмиш муносабати кузатиладиган қўшма сўзлар ҳақида ҳам баъзи мулоҳазаларимизни айтишга тўғри келади. А. Ҳожиёвнинг фикрига кўра, қўшма сўз тушунчасидан умуман воз кечиш лозим. Бошқача айтганда, қўшма сўзнинг ўзи йўқ. Олим бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Композиция усули билан сўз яшаш деганда, сўз қўшиш йўли билан сўз яшаш тушунилади... Бундай бириктиш натижасида луғавий birlik, яъни лексема эмас, балки синтактик birlik – сўз бирикмаси ёки гап ҳосил бўлади (мисол келтиришга ҳожат йўқ). Шу фактнинг ўзиёқ кўрсатадики, сўз қўшиш билан сўз яшалиши (шундай сўз яшаш усули) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас» [6, 8].

Назаримизда, А. Ҳожиёвнинг мазкур мулоҳазаси ҳам изоҳталабдир. Чунки ҳали бирор-бир тил материалида ҳам қўшма сўзларнинг тўлиқ инкор этилганлигини кузатмадик. А. И. Смирницкий ҳам айнан шу масала бобида муаммолар мавжудлигини эътироф этиб, бу хусусда қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бу соҳада муаммоли нарса шундан иборатки, қўшма сўзлар билан сўз бирикмаларини фарқлаш кўп пайтларда қийинчилик туғдиради» [7, 114].

Дарҳақиқат, қўшма сўзлар аксарият ҳолларда сўз бирикмаларига ўхшайди. Бироқ сўз бирикмалари компонентлари ҳар доим сўз мақомида келади ва бунда ҳар бир сўз иккинчиси билан синтагматик муносабат ташкил этади: *институт биноси, дала ҳовли*. Қўшма сўзларда эса, улар гарчи шундай аталса ҳам, компонентлар сўз мақомида эмас, балки морфема мақомида бўлади: *ошқозон, гўзапоя*. Берилган мисолларда қўшма сўзлар компонентлари морфемаларни тақозо этади. Олимнинг таъкидлашига кўра, *стол*ик сўзида –ик морфемаси билан

бирикаётган *стол* қисми айна пайтда сўз мақомида эмас, балки ўзак морфема мақомида келяпти [8,79]. В. М. Солнцевнинг қуйидаги сўзлари янада ибратлироқдир: «Компонентлари мустақил сўзлардан фарқ қилмаса-да, қўшма сўзлар морфемалардан ташкил топади: *мореплавание*» [8,84]. Шундай бўлгач, қўшма сўз компонентлари муносабатидан синтагма вужудга келиши изоҳ талаб қилмайди. Синтагматик муносабат ҳақида эса бу ўринда сўз юрита олмаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, синтагматик муносабатнинг тил birlikларининг нутққа кўчирилишида аҳамияти бекиёсдир. Зотан, у тилнинг асосий вазифаси – коммуникатив функцияни бажаради. Равшанки, бунда дискурс муҳим роль ўйнайди. Чунки, катта-кичик синтагмаларнинг барчаси дискурс доирасида том маънода фаоллашади.

Дискурс аксарият ҳолларда икки ва ундан ортиқ гапларнинг, мураккаб синтактик қурилмаларнинг ўзаро боғланишидан ташкил топади. Бу жараёнда синтагматик муносабат тил birlikларининг тенглик асосида ва тобелик асосида боғланишини ҳам тақозо этиши мумкин. Агар тил birlikлари (кенг маънода нутқ birlikлари ҳам) тенглик асосида боғланадиган бўлса, у ҳолда синтагма шаклланмайди, ammo синтагматик боғланиш тўлиқ сақланади. Тил birlikларининг тобелик асосидаги боғланишида эса синтагма ҳам, синтагматик муносабат ҳам намоён бўлади. Буни дискурс деривациясида кузатиш мумкин:

1. *Бу гапнинг қанчаси ривоят, қанчаси ҳақиқат – билмайман, лекин Очил бува ҳамон ҳаёт, бу йил қовун пишигида тўқсон тўртга киради. (А. Мухтор. Чинор).*

2. *Дарров паловни, кулчаларни, мен келтирган патирларни шогирдларидан биронтасига буюриб, уйига жўнатиб турганида тўсатдан бир ошинаси келиб қолади. (Ойбек. Болалик).*



Келтирилган дискурс мақомидаги мисолларнинг биринчиси тенг боғланишли бўлиб, унинг синтактик деривацияси *лекин* операторига боғлиқ эканлигини кўрамиз. Бунда дискурснинг умумий шакли дериватни тақозо этиб, унинг барча компонентлари синтагматик муносабатда келмоқда.

Иккинчи мисолда берилган дискурс компонентлари эса тобе боғланишлидир. Айтилган дискурс деривацияси *-ганида* тарзида келадиган оператор воситасида шаклланмоқда. Бу ўринда компонентлари тобе боғланишли бўлгани учун, уларнинг олдингиси аниқловчи, кейингиси эса

аниқланмишни тақозо этмоқда. Шу боис бунда биз синтагмалар ҳақида ҳам, синтагматик боғланиш хусусида ҳам тўлиқ сўз юрита оламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, макроматн (ёхуд дискурс) турларининг синтактик деривацияси воқеланиши доирасида қўлланилаётган баъзи қоидаларни мукамаллик даражасига етган деб бўлмайди. Шу боис улар қатъийлик касб этмаслиги ҳам мумкин [9,130]. Чунки дискурс тушунчаси ва у билан боғлиқ масалалар талқини тадқиқотларимиз кун тартибига эндигина қўйилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Соссюр, Ф. де. Заметки по общей лингвистике. –М., 1990.
2. Соссюр, Ф. де. Труды по языкознанию. –М., 1977.
3. Турниязов Н. Гапнинг бевосита иштирокчилар ва трансформацион методлар асосидаги таҳлили // Структур синтаксис асослари. –Тошкент, 2009.
4. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. –М., 1975.
5. Шутова Е.И. Вопросы теории синтаксиса. –М., 1984.
6. Хожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Тошкент, 2007.
7. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –М., 1958.
8. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М., 1971.
9. Турниязова Ш. Матн деривацияси // Ўзбек тили деривацион синтаксиси. –Тошкент, 2011.

**Турниязов Н. Некоторые заметки о синтагматических отношениях и деривации дискурса.** В статье речь идет о синтагматических отношениях языковых элементов и компонентов речевого произведения. При этом, прежде всего, вносится ясность в понимание термина синтагма. Кроме того, исследуются деривационные закономерности компонентов дискурса.

**Turniyozov N. Some remarks on syntagmatic relations and derivation of discourse.** The article deals with syntagmatic relations of language elements and components of speech acts. The main point is to give full explanation to the term syntagma. Accordingly, derivational problems of discourse elements are investigated.